

ОБИД РАСУЛ

**ХАЙРИХОН  
ВА  
МАЙЛИХОН**

*(Шеърлар)*

*Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазирлиги  
нашрга тавсия этган*

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1994

Болалар шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Обид Расул ярим асрдан кўпроқ бўлдики, жажжи ўғил-кизлар учун шеърлар ёзиб келади. Унинг «Кувноқ болалар», «Олмазор», «Кўк чакмонли йигитча», «Асал амаки», «Садаф тишли пахлавон», «Чашма», «Келинг бизнинг полизга» сингари шеърий тўпламлари аллақачон кичкитойлар жавонидан жой олган. Кўп шеърлари дарслик ва хрестоматияларда, альманаҳларда чоп этилган. Шунингдек, муаллифнинг эртаклари ва насрый асарлари ҳам нашр этилган.

Шоирнинг ушбу тўпламига она Ватанга муҳаббат, ота-онага ҳурмат, ўзаро дўстлик, ўртоқлик, она табиатимизнинг бойликлари, оромгоҳлари, ҳайвонот дунёси, турли кушларга бағишиланган шеърлар киритилган. Улардан синфдан ташқари ўкиш вактларида ҳам фойдаланиш мумкин.

Ў32

**Расул Обид.**

Хайрихон ва Майлихон: (Шеърлар).— Т. :  
Ўқитувчи, 1994.— 32 б.

Ў32

4803620201—88

P \_\_\_\_\_ 120—94

353(04)—94

ISBN 5—645—02315—3

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1994

## СИЗ — МЕХРИБОНИМ

Сиз менинг қүёшим,  
Мехрибон онам.  
Сиз билан мунааввар  
Ховли-ю хонам.  
Мунисим, мўътабар,  
Фамхўрим онам.  
Манглайим тўрида,  
Бошда парвонам.  
Баҳордан баҳорлар  
Яратган азиз.  
Ҳикматли мураббий,  
Сўзлари лазиз.

## ЙЎҚ БЎЛСИН ЁМОНЛИК

Яхшидир	Яхшидир
Беараз	Тўғрилик,
Жилмайиш.	Омонлик.
Ошнага	Йўқ бўлсин
Ҳамдардлик	Мангуга
Дил ёйиш.	Ёмонлик.

## ТОП, ЎРТОҚ!

Икки жойда икки бўлса  
Жуфт бўларми ёки тоқ?  
Топ ўрток!  
Шу тик турган жойингда,  
Шимолу шарқ, ғарб қаёқ?  
Топ, ўрток!  
Ойми, қуёш ё юлдуз,  
Қайси бири ярқироқ?  
Топ, ўрток!  
Какликми ёки булбул,  
Қайси бири шўх сайроқ?  
Топ ўртоқ!

## ДОРБОЗ

Мираҳмадвой «дор» ясаб,  
Тортди чийратма арқон.  
— Дорбозман,— деб  
гердайиб,  
Йиқилди сувга томон.

## АҲМАД ВА АҲАД

Аҳмад кекса бобонинг  
Кўлидан юкин олди.  
Аҳад: — Бегона-ку,— деб,  
Охиста жўнаб қолди.

## ДАРАХТ НОЛАСИ

Ер остига томир қадаган,  
Дараҳт эдим, қушларга макон.  
Орол, сувинг қуриб бормоқда,  
Не бўлади оқибатда жон?

## СИНФДОШ

Чиройли ҳат ёзмоққа  
Жуда ҳавасманд эдим.  
Аълочи қиз — Кумрига:  
«Бирор ёрдам бер»,— дедим.  
Шод боқиб синфдошим,  
Чўзди ёрдам қўлини.  
Энди мен ҳам биламан,  
«5» олишнинг йўлини.

## ЧУМОЛИ ВА СИЧКОН

Сичкон — эгри оёқ,  
У — текин томок,  
Оlamга келиби,  
Касби — ўғрилик.  
Чумоли — меҳнаткаш,  
Тинчимас сайёҳ.

Безавол юқ тортар,  
Йўли тўғрилик.  
Чумоли ўрмалар,  
Ер ҳидига маст.  
Чунки ердан тўяр,  
Ерда макони.

## ЁМОН БОЛА — ОЗОРИ ЖОНДИР

Ёмон бола — озори жондир,  
Сўзинг уқмас безорижондир.  
У тинчимас ўта уришқоқ,  
Гап-сўзлари қингир ва тўмток.  
Ёмон бола иш деса қочар,  
Айбин айтсанг, заҳрини сочар.  
Китоб, дафтар, йиртиқ кундалиқ,  
Бермайди у саломга алик.

## ИПЛАРИМ ФАЛТАК-ФАЛТАК

Хирмонлар етди кўкка,  
Элтдик завод, фабрикка.  
Фалтак ип, той-той мато,  
Бўлди шунда муҳайё.  
Ҳой,iplарим — жон иплар,  
Мехнатдан эҳсон иплар.  
Ойижоним чокида,  
Машинанинг мокида.  
Чопоним жиягида,  
Дўппимнинг кизагида.  
Ҳар қатиминг — қимматинг,  
Бор оламча хизматинг!

## ТОШКЕНТ

Хур шахримсан,  
Нур шахримсан.  
Одамлар дарё —  
тошқин.  
У кўчадан,  
Бу кўчадан.  
Чиқишар ишга —  
шошқин.  
Шахри азим,  
Сенга таъзим.  
Сен онадай —  
муқаддас.  
Кўрган одам,  
Бутун олам.  
Мехри сенга —  
чамбарчас.

## УЗОҚ КЕТМА, ҚҮЁШ!

(Истиқлол ҳақида)

Орзиқиб кутганим,  
Шарқ уфқида тонг.  
Курашлардан кейин,  
Янгиланди онг.

Узок кетма, қүёш,  
Сен борсан, мен бор.  
Үлкамни яшартмок,  
Бизга ифтихор.

Теракнинг барглари,  
Шодон шовуллар.  
Хуснингдан ҳусн олар,  
Қишлоқ-овуллар.

Узок кетма қүёш,  
Юртимга бир бок.  
Аста йўқолмоқда,  
Қиличу яроғ.

Эрку адолатни,  
Истар эдик биз.  
Ушалиб орзулар,  
Чоғдир кўнглимиш.

Узок кетма, қүёш,  
Кулган он иқбол.  
Юртда мустақиллик,  
Кезар истиқлол!

## ХАЙРИХОН ВА МАЙЛИХОН

Бир туп шотут,  
Ва олмурут.  
Ушлаб қўлда,  
Борар йўлда  
Майлихон, Хайрихон.

Ўзбек, қирғиз,  
Гўё эгиз.  
Ён кишлоқдан,  
Жон қишлоқдан  
Хайрихон, Майлихон.

Мактаб боғин,  
Чор атрофин  
Этишар боғ,  
Жон-жон ўрток  
Хайрихон, Майлихон.

## ПИЛЛА — ТИЛЛА

Қадди расо тут кўчатим,  
Новда барги шапалоқ.  
Сўкичакда ипак қуртим,  
Ўрмалаб ясар кўнок.  
Даҳасида тутам-тутам,  
Барг соламан тўйсин деб,  
Ардоқлайман эрта кунда,  
Ипагини қўйсин деб.  
Йифдик ана, соф меҳнатим —  
Натижаси тўқ пилла.  
Шойи-атлас кияр юртим,  
Бебаҳо ипак-тилла.

## МУЗҚАЙМОҚ

Аслим тухум, сут, қаймок,  
Какао, шакар, сарёғ.  
Олча суви, олмаой,  
Витаминга жуда бой.

Вуй, ох, маза, еб қолинг,  
Лаззатимдан баҳр олинг.  
Чанқов бостига ҳам боп,  
Музлатгичда муз — яхоб.  
Ким сўраса тайёрман,  
Мисоли оппоқ қорман.

Вуй, ох, маза, еб қолинг,  
Лаззатимдан баҳр олинг.

## ЮРИНГ, ДАЛАГА

Қуёш тикдан тўкар,  
Ҳовуч-ҳовуч нур.  
Ердан ҳовур чиқар,  
Сувлар кўп учкур.

Кир-адир кизгалдоқ,  
Боғлар ям-яшил.  
Тараб ҳид ўт-япрок,  
Товланар хил-хил.

Ариқлар лабида,  
Чучмома, ялпиз.  
Чиқайлик далага,  
Юринг, ҳаммамиз.

Моҳир қўл — табиат,  
Гулчи ҳам боғбон.  
Аммо, бизнинг меҳнат,  
Борлиқ учун жон!

## ОЛТИН КУЗ

Олтин кузим,  
Юртда меҳмон.  
Боқиб ҳар ён,  
Ўйнар кўзим.

Кишмиш, чарос,  
Худди офтоб...  
Иштаҳа боп,  
Есанг карс-карс.

Боғда анор,  
Олма, беҳи.  
Ноклар, эҳ-е,  
Пишган бисёр.

Режалар юз,  
Ҳосил бўлиқ.  
Омбор тўлиқ,  
Ёруғдир юз.

## ХАНДОН ПИСТА

Хандон писта — тоғ писта,  
Ичи тўла ёғ писта.  
Ўсар тоғларда яшнаб,  
Кўзга юз жилва ташлаб.

Туташ дарахт битмас кон,  
Ҳосили шохда маржон.  
Хандон писта — тоғ писта,  
Сендан экдик биз юзта.

## НОН ЖИЙДА

Кумуш рангли нон жийда,  
Хамма севган жон жийда.  
Қоқиб олсак куз чоги,  
Дўстларнинг чоғ димоги,  
Маза килиб ейишар,  
Яна кўпай дейишар.

## МАФИЗ ҲОЛВА

Ёзда ўрик данакларни,  
Исроф қилмай териб ол.  
Ундан ясад ҳолва-магиз,  
Мехмон келса тўкиб сол.

Ҳолва-магиз — новватимиз,  
Бирга ширин нонуштамиз.

Ёз меваси қишда тансиқ.  
Данак магиз мой бўлар.  
Қайда бўлма, йигсанг данак,  
Юрт ҳолвага бой бўлар.

Ҳолва-магиз — новватимиз,  
Бирга ширин нонуштамиз.

## ЧИН СЎЗИМ

Мен тўғри сўз,	Уришмаймиз,
Сен тўғри сўз.	Талашмаймиз,
Ичимиизда,	Ахил-инок,
Йўқ эгри сўз,	Биз хушчақчақ,
Йўқ эгри сўз.	Биз хушчақчақ.
Каримахон,	Мактабжонда,
Салимахон,	Билим конда,
Дилшод, Рамз —	Биринчи иш:
Дўст-ошнамиз,	«5» га ўқиш,
Дўст-ошнамиз.	«5» га ўқиш.

## АРИ

Ари-ари,	Ари-ари,
Бор-бор нари,	Бор-бор нари,
Сен — текинхўр.	Нишинг — найза
Жиззаки.	Чақасан,

Кўриб қолса,  
Кувиб кетар,  
Билвол қассоб,  
Амаки.

Айтгин менга  
Бу феълинг-ла  
Кимларга ҳам  
Ёқасан?

### МЕҲМОН УЛУФ

Мехмон келса хурмат қилиб,  
Ассалому-алайкум, де.  
Дастурхон ёз, нон ушатиб,  
Ол-оллашиб ўзинг ҳам е.

Мехмон келса қулиб кутгин,  
Асло-асло ковоқ уйма.  
Дил ранжитар сўзлар қилиб,  
Хижолатга ўзинг қўйма!

Мехмонни кут, меҳмон улуғ,  
Одамийлик зийнати — шу.  
Эшик қоқиб келибди у,  
Обрўйингнинг қиймати — шу.

Мехмон келса уй тўрига,  
Елиб-югур, дастурхон ёз!  
Ҳол сўрашиб, таом едир,  
Кўрсат унга хурмат-эъзоз!

### БОР КУЛОЛ АМАКИМ

Бордир кулол амаким,  
Номлари уста Ҳаким.  
Лой пишитиб эрта-кеч,  
Эринишни билмас ҳеч,  
Ўймакорларга тақлид,  
Ҳар нақшида нозик дид,  
Янгича санъат талаб,  
Қўндириб гул, силлиқлаб,  
Олов хумдан ичида,  
Ял-ял гулхан ичида,  
Оқизиб тер, юзда нур,  
Ишлайди дилда фуур.

У ясаган гул тувак,  
Сопол лаган, ош товок,  
Кўзаси чиннилардек,  
Ойна мисол ярқирап.  
Бу — ўтмиш санъат мерос,  
Боболарга бўлиб хос.  
Унга бериб нақш-сайқал,  
Этди бугун мукаммал.  
У ясаган ҳар идиш,  
Хизматдадир ёзу қиш.

### ҲУНАРМАНД

Кўлида чўтка, мойи,  
Доим очиқ чиройи,  
Бўёқчи Турғун тоғам,  
Етмиш хунарда бекам.  
У бўяган ром, эшик,  
Тунукали том, эшик,  
Деворга чеккан нақши,  
Қандай чарақлар яхши.  
Ўзлари хўп ўқиган,  
Эртак, шеърлар тўқиган.  
Яна уста пазанда,  
Қўшиқчи ҳам созанда.  
Унинг ёпган ширмойи,  
Тўлин ойдай чиройи.  
Бўёқчи Турғун тоғам,  
Етмиш хунарда бекам.  
Тоғам каби серхунар,  
Бўлсанг, хунардан унар.

### ТИНЧЛИК — ЯШАР

Ватаним — қуёш,  
Бошимни силар,  
У менга кўз-қош,  
Иқболим тилар.  
Кувнаб эркитн, шод,  
Бўламан катта.  
Бахт бор умрбод,  
Тинч мамлакатда.

## КИТОБ

Дарслик китоб қўлингда,  
Берилган у текинга.  
Йиртмай кўздан асрасанг,  
Керак уканг Эркинга.

Эркин ҳам бут юритса,  
Муаллим хурсанд бўлар.  
Китобга меҳри кўпни  
Синфдошлар хуш кўрар.

Китобинг қўлдан-қўлга,  
Ўтиб борса топ-тоза.  
Ундан кўплар шодланиб,  
Олишади андоза.

Китоб билим манбаи,  
Бу барчага аён — ҳақ.  
Китоб ўқиб яшасанг,  
Умринг ўтар хушчақча.

## ЯХШИ БОЛА — ҲАЁТ НАҚШИ

Яхши бола — чиройли гул,  
Чиройли қуш — хушхон булбул.  
Қовоқлари очиқ доим,  
Сўзи ширин ва мулойим.

Катталарга иззатда — у,  
Оилада хизматда — у.  
Чаққон оёқ, ростни сўзлар,  
Ўнта гапдан бирни кўзлар.

Севган дўсти — китоб-офтоб,  
Қоидаси ахлоқ-одоб.  
Мақтанишнинг ҳеч ўзи йўқ.  
Гапларида «сен» сўзи йўқ.

Бирам содда кийинишда,  
Ўқийди у «тўрт» ва «беш»га.  
Яхши бола—ҳаёт нақши,  
Яхшилик ном қандай яхши!

## НОН ВА МЕХМОН

Буғдойларим пишган чоғ,  
Завқим дарё — хушчақчак.  
Турсам эрта тонг чори,  
Қалбим осмон кучоги.

Боқиб буғдойзоримга,  
Миниб тулпор — норимга  
Еламан — кўзи чақнок,  
Овқати сув, бензин, ёғ.

Чарчаш нима билмас — у,  
Донни исроф килмас — у.  
Бункерлар тўла-тўла,  
Қопсиз ташиб бир йўла.

Сомонсиз буғдойимни,  
Оқ мағиз чиройимни.  
Элга совға деб шошар,  
Хирмоним тоғдан ошар.

Донларим дона-дона,  
Ҳар дона оппоқ нон-а!  
Ноним бор, ҳеч ғамим йўқ,  
Ўзгалардан камим йўқ.

Ҳар қадамда тоғ хирмон,  
Комбайним меҳрибон.  
Ишлаб тинмас ёнимда,  
Севдим уни жонимдан.

Миллион тонна буғдойим,  
Элеваторда доим,  
Элим тўқ, ўртада нон,  
Нон билан азиз меҳмон.

## СОЧ ПОПУК ТАҚДИЛАР

Томорқада  
Тол баргак —  
кўринглар, юринглар.  
Соч попукка  
Лойигин олинглар,  
туринглар!  
Хаҳолашиб  
Санобар, Сарвигул  
ва Лобар,  
Ким ўзарга  
Чопдилар чаққонлар  
баробар.  
Йўлда кўриб  
чучмома, қоқигул, наргисни.  
Дўппиларга  
Тердилар, хидлашиб  
ялпизни.  
Сўнг баҳорни  
Олқишилаб, сочпопук  
тақдилар,  
Баланд қилиб  
Ёшликнинг  
гулханин ёқдилар.

## ТУЗАТВОЛСИН ЎЗИНИ

Нафси тийиф боламан,  
Қийикликни билмайман.  
Ол-ол, деса оламан,  
Лаб чўччайиш қилмайман.

Дастурхонга қўл солиб,  
Үлтирмайман Ҳошимдек.  
Шоколадни еб олиб,  
Вой-вой, ойи! — бошим,  
деб  
Эй, болалар гапим шу:  
Ҳошим очсин кўзини.  
Уятга қолмасдан у  
Тузатволсин ўзини.

## ВАҚТНИНГ ҚАДРИ

Бил, вақт-чопқир шамол,  
Тутолмайсан қочади.  
Бўлсанг ишёқмас, танбал,  
Айбингни у очади.  
Вақт ўтказмай ол билим,  
Одамга оз юз ҳунар.  
Илм-хунарлиларнинг  
Манглайида нур ўйнап.

## КУЛСИН СЎЗИНГ

Ҳарфларим ўттиз бешта,  
Кеча-кундуз доим ишда.  
Сўз тузишда чимирмай қош,  
Гап уққанга бўлар йўлдош,  
Саноқда ўн унли ҳарфим,  
Ҳар бўғинда жойи муким.  
Йигирма уч ундош хормай,  
Мехнат қилас сафда толмай.  
Айириш белги, юмшатишвой,  
Ўз ўрнига тушса — чирой.  
Сўзни аниқ, тўғри ёзиш,  
Билағонга эмас ташвиш.  
Чирок бўлиб кулса сўзинг,  
Шодланасан ундан ўзинг.

## ҚУВНАШИБ ДАМ ОЛАМИЗ

Қўқда қуёш ловуллаб,  
Ҳаммамизга ёқади.  
Ерга маржон гул тақиб,  
Бизга хурсанд боқади.

Тойчоклардек ўйноклаб,  
Симирамиз соғ ҳаво.  
Анҳор ўзига чорлар,  
Суви танларга даво.

Юртимиз бағри обод,  
Қувнашиб дам оламиз.  
Толеи кулган абад,  
Биз баҳтиёр боламиз.

## ЁМФИР ВА ЯШИЛ БОЙЛИК

— Тортқилайман қулоғингдан,  
Яшил бойлик ўт-ўлан.  
Түйиб-түйиб ичсанг сувим,  
Шодланаман сен билан.  
— Сен сахий сув — ёмғиржоним,  
Баракасан, бойлик, кут.  
Тоғ-тоғ ғарам бўлсак агар,  
Чорвага мўл бўлар юрт.

## ЧАШМА

Тоғ ошиб,  
Боғ ошиб,  
Пилдираб,  
Жилдираб,

Йўлимдан ҳеч адашмай,  
Қирғоққа тошмай,  
Мен — чашма оқаман,  
Далаларни боқаман.

Томчим — нур,  
Томчим — дур,  
Томчим — жон,  
Томчим — нон.

Қўшиқ бўлиб хушчақчак,  
Қондириб ташна — чанқок.  
Мен — чашма оқаман,  
Далаларни боқаман.

Хизматим,  
Иzzатим,  
Бор кучим,  
Эл учун.

Маҳкам бел боғлаб,  
Қуёшни чоғлаб,  
Мен — чашма оқаман,  
Далаларни боқаман.

## САРИМСОҚ

Номи «сассиқ» саримсок,  
Лекин есам таним соғ.  
Кеч кузакда ҳайдаб ер,  
Тортыб пушта, түкиб тер,  
Бир-бир санчиб тупроққа,  
Экдим томорка — бокқа.  
Кор қилмайин ху-ху қиши,  
Кор тагида отди ниш.  
Келгач күклам — навбаҳор,  
Күкда қуёш — оловкор,  
Қизиб, тани бүй күйиб,  
Хаво озуққа түйиб,  
Пиёладай нақ боши,  
Бошда құш-құш йўлдоши  
Роса бўлди саримсок,  
Саримсокдан таним соғ.

## СЕПДИМ РЕДИСКА УРУФ

Еримиз кучга тўлиғ,  
Сепдим редиска уруғ.  
Отиб чиққач барг-кулок,  
Онам, мен, қўшни ўртоқ  
Қилдик уни ягана,  
Улғайди дона-дона.  
Ердан куч, қуёшдан ранг,  
Олиб пишди — карс, таранг.  
Сўнг йифиб, боғлаб мўл-мўл,  
Шаҳар томон олдим йўл.

## ЧУМЧУҚЛАР

Она чумчук,  
Қилиб «чирқ-чирқ».  
Сўзлагандай,  
Бўзлагандай:  
— Е,— дер,— овқат,  
Қил харакат.  
Ортимдан уч.  
Фалакни куч.  
Тўп билан бўл,  
Кўп билан бўл!

## ЕЛПИГИЧ ТОЖ, ЙЎРҒА ҚУШ

Тонгдан уйку этиб тарқ,  
Жонвор сассиқпопишак.  
Овозлари уп-уп-уп,  
Излар ўлжа югуриб.

Гоҳ ер титиб, ўт, илдиз,  
Тутар чигиртка, қўнғиз.  
Бузоқбоши, пашша-ёв,  
Унга энг яхши чайнов.

Елпигич тож, йўрға қуш,  
Кел-кел боғларимга туш.  
Шоҳ-бutoққа атайин,  
Сенга атаб курдим ин.

## БУЗОҚЧАМ

Тонг сахар турар,  
Билмас ҳеч қўрқув.  
Кетимдан юрар,  
Ўтлоқларда — у.

Сой суви зилол,  
Жимиirlаб оқар.  
Қатор мажнунтол,  
Сояси — ёқар.

Ҳар куни чошгоҳ,  
Ҷўмилар сувда.  
Кўз юмиб гоҳ-гоҳ,  
Ухлар осуда.

Лек тинмас оғзи,  
Не учун Аҳмад:  
— У сендан рози,  
Қайтарар «раҳмат».

## ТОЙЧОГИМ

Кишинаб турар тойчогим,  
Яшнаб турар тойчогим.  
Яшил ўтлоқ қўйнида,  
Куюқ ёли бўйнида.  
Яғрини силлик, таранг,  
Бўйдор, пишиқ, офтоб ранг.  
Пешонаси оқ қашка,  
Энди кирди бир ёшга.  
Отаси йўрға — чаққон,  
Пойгада ютиб чиққан,  
Онасининг қимизи,  
Юзни қилиб қирмизи.  
Кулдириб бир қишлоқни,  
Шод этган дўст-ўртоқни.  
Ўзимда йўқ кўнглим чоғ,  
Қўшиқларим шўх-янгрок:  
— Жон тойчогим ўса қол,  
Ота-бобонг касбин ол —  
Деб ёлларин тарайман,  
Эртаю кеч қарайман.

## ХАЗИНА

Товуқ ферма ҳовлиси кенг,  
Бир чети кўк — уфққа тенг.  
Бир ёнида яшил ўтлоқ,  
Ичмоққа сув — зилол булоқ.

Бунда минорка — оқ товуқ,  
Тенгқур дўсту қувноқ товуқ.  
Қоқиб қанот жужуқлашиб,  
Нур — қуёшда патин қашиб,

Думалашиб тупроқ-қумга,  
Ўсишади кундан-кунга.  
Ётса уйи — қўноғи бор,  
Оидан ёруғ чироги бор.

Улар севган ширин нони,  
Арпа, сули, буғдой-нони.  
Жўхоридан истаганча,  
Қадамида қанча-қанча.

Талашиш йўқ, тортишиш йўқ,  
Ҳаммасининг меъдаси тўқ.  
Бари серпушт, сара туркум,  
Кун оширмай бёрас тухум.

### ЛОЛА ТЕРДИК

Бепоён қир,  
Ям-яшил адир,  
Тутиб олган  
Лоладан чодир.

Яшил япроқ,  
Лолақизғалдок,  
Сув томчидан,  
Такибди болдоқ.

Сахий қүёш,  
Тонгдан силкиб бош,  
Нур кокилин,  
Узатар ювош.

Тўпланишиб,  
Дала, қир ошиб,  
Лола тердик,  
Кувониб, шошиб.

Бахт бизга ёр,  
Умримиз баҳор,  
Ҳар кўнгилда,  
Дўстлик барқарор.

### ВОЙ ҚОРНИМ, ОПА!

Ғани тушлик чоғ,  
Ошиб боғма-боғ.  
Еб хом зардоли,  
Узум, шафтоли.  
Сойга тушиб у,  
Хўп симирди сув.  
Сўнг оғриб қолди,  
Дер: — Даво борми?  
Уйита чопар,  
— Вой, қорним, опа!

— Давоси — дўхтири,  
Бошқа йўл йўқдир.  
Чорлаб «Тез ёрдам»,  
Кузатдик шу дам.  
Кор қилди дори,  
Кулди рухсори.

### БОҒЧА БОГИДА

Бу чаман — боғча боғи,  
Гулга тўла қучоги.  
Чилдирма така-тум-так,  
Авжидა қўшиқ, чапак.

Қаранг, чаққон Назмини,  
Ўйнар боллаб Лазгини.  
Топишмоқ айтса Умри,  
Ёддан шеър ўқир Кумри.

Бир ёнда Зухра, Тўлан,  
Тикилар ҳавас билан.  
Тугишигандай меҳрибон.  
Ўйнашар «меҳмон-меҳмон».

### ЛАББАЙ

Афрузахон ойқиз,  
Кулгуга хўп бой қиз.  
Юз кулчаси — ширмой:  
Жўшқинлиги шўх сой.  
Боқиши гул-офтоб,  
Севган дўсти — китоб.  
Она меҳри дилда,  
«Лаббай» сўзи тилда.  
Укажонин боқсан,  
Ойисига ёккан.

### ТУМАН БОЙЛИК

Соғлиқ истовчи ҳар ким,  
Эринмай тонгда ҳар кун.  
Қилса бадаң тарбия,  
Чақчақ ҳандон тарбия.  
Томирларда чопиб қон,

Яйраб кетар вужуд — жон.  
Ўз вақтида чой-таом,  
Ширин сўз — ширин калом.  
Ҳалол меҳнат, чаққонлик,  
Келтирас туман бойлик.

### НОН САВАТ

Тол хивичдан тунов кун,  
Ясадим бир нон сават.  
Тўрт чети жажжи устун,  
Катаклари қўш қават.

Ёлиб ойим иссиқ нон,  
Тахлайдилар бир текис.  
Бўлсангиз бизда меҳмон,  
Қаймоққа булас ейсиз.

### ЗАРИФ ВА ШАРИФ

Боғчадошим Зарифни,  
Маҳмадона Шарифни.  
Ким биларга чақирдим,  
Ўттиз бешта ҳарфни.  
Зариф ёдлайди шошмай,  
Тартибидан адашмай.  
Боғчага бормас Шариф,  
У қандай танир ҳарф?

### ОФТОБХОН

Боғча қизи — Офтобхон,  
Кеча тўлди беш ёшга.  
Гап-сўзи бирам ширин,  
Юзи ўхшар қуёшга.

Кийинади озода,  
Ўзи жуда ҳам қувнок.  
Бўш пайти онасига,  
Ёрдам берар қизалоқ.

## КУЗАТИШ

Барвақт туриб,  
Юзим ювиб,  
Үз ўрним тузатаман  
Хозирлаб жой.  
Келтириб чой,  
Одобра узатаман.  
Ишга ойим,  
Кетса доим.  
Хайр,— деб кузатаман.

## ҚҰНФИРОҚНИ КУТАМАН

Дафтар, ручка, папка, чизгич,  
Бүек қаламларим бор.  
Китобларим, кундалигим,  
Мана күринг тап-тайёр!  
Икки күзим сентябрда.  
Құнфироқни кутаман.  
Барча ўкув қуролимни,  
Күздай асраб тутаман.

## ЧЕВАР ГУЛАСАЛ

Ёш чевар қызы — Гуласал,  
Күйлакни бичиб аввал  
Ип ўтказиб нинага,  
Үлтирди машинаға.

Машина гир-гир юрап,  
Ипи узилиб турар.  
Очиб ичин кузатди,  
Хатосини тузатди.

Мана битди күйлакча,  
Тикилиши бўлакча!  
Укаси келиб шу он,  
Деди:

— Раҳмат, опажон!

## ОФТОБЖОН ВА ГУНАФША

— Ҳой гунафша-гунафша,  
Баҳор келди, кўзинг оч.  
Кўни-қўши том оша,  
Хушбўй ҳидинг ҳар ён соч!

— Вой, кечиринг офтобжон,  
Босибди ғафлат — уйку.  
Бегамлик экан нуқсон,  
Қайтарилимас энди у.

## БАҲОЛАР КУРАШИ

Навбат кутар «2» ва «3»,  
Курашмоққа майдонда.  
Тўда-тўда «4» ва «5» лар,  
Томошабин тўрт ёнда.  
Намунали хулқ-судъявой,  
Сўз берди аввал «3» га,  
«3» дер:

— Қара, «5» бўлмоққа,  
Тўлиб боряпман кучга.  
Сен қувғинди енгил пўкак,  
Думи гажак, юзи доғ.  
Шод юзларни ерга буккан,  
Қора куч, пуч ёнғоқ.  
Кучинг бўлса кел ёнимга,  
Синашайлик иккимиз.  
Кўтарилисин ўртамииздан,  
Адовату кекимиз.  
«Икки» шунда тиш ғижирлаб,  
Дер: — билмасга ошнаман.  
Дангаса-ю иш ёқмасга,  
Дўст бўлмоққа ташнаман.  
Ўзинг бўлса, жар ёқада,  
Турибсан қилтири-қилтири.  
Нафасимга тортсам агар,  
Мақтанишинг уч пулдир.  
Баҳоларнинг энг пасти деб,  
Мунча юзга соласан.  
Кўп ичида йикиб қўйсам,  
Уяласан — қоласан.  
Шу сўзларни айтишди-ю,

Қизиди майдон, кураш.  
Даст күтариб, улоктириди,  
«Уч»вой қий-чув аралаш.  
Зор-зор йиглаб қочоқ «2»,  
Куллук қилди шу замон.  
Кўпдан ажраб юзи шувут,  
Йўқ бўлганча — йўқ ҳамон.  
«Уч»вой аста «4» ва «5» га,  
Чикиб олди мард бўлиб,  
Билим боғи яшнаб кетди,  
Билгичларга саф тўлиб.

### ТОПИШМОҚЛАР

Қора қошли уруғи,  
Чопони ола пўчоқ.  
Думалашар пайкалда,  
Ҳар бири кучоқ-кучоқ.

(*Қўзивой тарвуз*)

Кўк тўн ичида якка,  
Ўсар мағиз, пўст олиб.  
Тўн ечилар кузакда,  
Келганда бокқа ҳакка.

(*Ёнгоқ*)

Докадайин пўсти бор,  
Суяги йўқ гўшти бор.  
Кўшиб ейсиз уругин,  
Хоҳ ҳўли-ю, қуругин.

(*Помидор*)

Мени қўлга олганда,  
Юзимда ўйнар ханда.  
Дуб, қайнин, тол, арчани,  
Силлиқлайман барчасин.  
Бирон зирапча қолмас,  
Чунки тифимдир олмос.

(*Ранда*)

Туси кўнғир-жигарранг,  
Тутиб кўр, силлик таранг.  
Бодринг каби узунчоқ,  
Ёриб боқсанг эти оқ.

(Бақлажон)

Том орқада арқон йўл,  
Шилдир-шилдир овоз мўл.  
Ундан оқар ерга қон,  
У қон гўё танга жон.

(Ариқча)

Ялпок дона уруғи,  
Корнида гўшт-саримой.  
Қирғичлаб берсам ойим,  
Ёпиб берди сомсаой.

(Қовоқ)

Бўлар сариқ ё қизил,  
Ер тагида етилар.  
Тупида якка ҳосил,  
Сочи яшил селкиллар.

(Сабзи)

Тинмайман эрта-ю кеч,  
Сувайман девору печ.  
Қават-қават уй-айвон,  
Юз зина бетон нарвон.  
Кўрганлар колар хайрон.

(Андава)

Кўл билан тутиб бўлмас,  
Ҳавомас ютиб бўлмас.  
Осмон бўйлаб тарқалар,  
На белги, на из қолар.

(Тутун)

Ичи бўм-бўш,  
Доира гумбаз.  
Қалаб ўтин,  
Ёқ олов бир пас.  
У қизигач,  
Тап-тап нонинг ёп!  
Бир,  
икки,  
уч  
Бу нимайкин топ!

(*Тандир*)

Юзи-юзга караган,  
Ерни ёғдай кесади.  
Боши ва елкасида,  
Кесакларни эзади.

(*Кетмон*)

Ичи ўхшар ҳовузга,  
Сирти эса гумбазга.  
Кийганда — қари-ёшга,  
Соя, зеб берар бошга.

(*Дўппи*)

Туйнук, тешик — унга эшик,  
Қитир-қитир бузар ором.  
Ҳалол молинг қилиб ҳаром,  
Ўгри томоқ қочар дик-дик.

(*Сичқон*)

Кули йўқ, кулдони йўқ,  
Ис-курум, мўркони йўқ.  
Гугурт чертилса, лов-лов,  
Ёнар покиза олов.

(*Газ*)

## ТОПИЛГАН ТОПИШМОҚЛАР

- Кеча-кундуз неча соат,  
Қани айтчи, Асолат?
- Топдим-топдим, билиб олдим,  
У — йигирма түрт соат.
- Минут мили бир соатда,  
Нече марта айланар?
- Саноқни бил! Жавоб шудир:  
Олтмиш марта айланар.
- Каср сонларга, Манноп,  
Шошилмасдан топ жавоб.
- Иккидан бир — яримдир,  
Сенга бу аён Собир.  
Саккиздан бир нимчорак,  
Буни ҳам билмоқ керак!

## МУНДАРИЖА

Сиз — меҳрибоним.....	3
Йўқ бўлсин ёмошлик.....	3
Топ, ўрток.....	3
Дорбоз.....	4
Аҳмад ва Аҳад.....	4
Дараҳт ноласи.....	4
Синфдош.....	4
Чумоли ва Сичкон.....	4
Ёмон бола — озори жондир.....	5
Ипларим ғалтак-ғалтак.....	5
Тошкент.....	5
Узок кетма, қуёш.....	6
Хайрихон ва Майлихон.....	7
Пилла — тилла.....	7
Юринг, далага.....	8
Музқаймоқ.....	8
Олтин куз.....	9
Хандон писта.....	9
Нон жийда.....	10
Магиз — ҳолва.....	10
Чин сўзим.....	10
Ари.....	10
Мехмон улуг.....	11
Бор куял амаким.....	11
Ҳунарманд.....	12
Тинчлик яшар.....	12
Китоб.....	12
Яхши бола — ҳаёт нақши.....	13
Нон ва меҳмон.....	14
Сочопопук тақдилар.....	15
Тузатволсин ўзини.....	15
Вақтнинг кадри.....	16
Кулсин сўзинг.....	16
Қувнашиб дам оламиз.....	16
Ёмғир ва яшил бойлик.....	17
Чашма.....	17
Саримсок.....	18

Сепдим редиска уруғ.....	18
Чумчуклар.....	18
Елпигич тож, йўрга куш.....	19
Бузоқчам.....	19
Тойчорим.....	20
Хазина.....	20
Лола тердик.....	21
Вой қорним, опа!	21
Богча боғида.....	22
Лаббай.....	22
Туман бойлик.....	22
Нон сават.....	23
Зариф ва Шариф.....	23
Офтобхон.....	23
Кузатиш.....	24
Қўнгиrokни кутаман.....	24
Чевар Гуласал.....	24
Офтобжон ва гунафша.....	25
Баҳолар кураши.....	25
Топишмоқлар.....	26
Топилган топишмоқлар.....	29

## **Обид Расул**

### **ХАЙРИХОН ВА МАЙЛИХОН**

(Ш е ъ р л а р)

*Toшкент «Ўқитувчи» 1994*

*Мухаррир М. Аҳмедов*

*Муқова мусаввири Б. Жўраев*

*Техник мухаррир Н. Винников*

*Мусаххиха Л. Мирзааҳмедова*

**ИБ 6485**

Тершиға берилди 1.02.93. Босишига рухсат этилди 20.04.94. Формати 84×108/32.  
Тип көзози. Кегли 10 шпонсиз. Гарнитура Литературная. Юкори босма усулида  
босилди. Шартли б. л. 1,68. Шартли кр.-отт. 1,89. Нашр. л. 1,48. Тиражи 60 000.  
Зак. №35.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, 129. Навоий кӯчаси, 30. Шартнома №15-14-93.

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг Янгийўл ижара китоб фабрикаси.  
Янгийўл ш., Самарканд кӯчаси, 44. 1994.